

# Zarafshon

*Fidoyilik – Vatanga xizmat demak!*

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan
E-mail: zarafshong@umail.uz
Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг
2020-yil 6-oktyabr, seshanba, 112 (23.392)-son

**Кун ҳикмати**

Ҳар бир раҳбар ва депутат ўз ҳудудидаги боғча ва мактабларга кириб туришни одат қилсин

# Фарзанд онасига алимент тўлайди(ми?)



Вилоят ҳокими Эркинжон Турдимовнинг навбатдаги сайёр қабули Қўшработ туманида ўтказилди.

Мурожаатларнинг аксарияти уй-жой қуриш учун ер ажратиш, моддий ёрдам, пенсия, болалар нафақаси, ишга жойлашиш, банкдан кредит олиш, табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви таъминотидаги муаммолар, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалик, йўлларни таъмирлаш, таълим соҳасидаги муаммолардан иборат бўлди. Ушбу масалалар юзасидан фуқаролардан 294 та мурожаат тушди. Аксарият мурожаатлар шу ернинг ўзида ҳал этилди. Муддат талаб этиладиган масалаларга масъуллар бириктирилиб, ижроси вилоят ҳокимлиги томонидан назоратга олинди.

- Иккинчи гуруҳ ногирониман, - дейди Булоқбоши маҳалласида истиқомат қилувчи Шаҳзода Қаршиева. - Тикувчилик билан шуғулланаман. Лекин тикув машинаси олиш учун маблағим йўқ эди. Сайёр қабулда тикув машинаси олишда ёрдам сўрагандим, шу ернинг ўзида мурожаатим ҳал этилди. Бунинг учун мутасаддилардан миннатдорман.

Дарвоқе, сайёр қабулда икки фарзанднинг онаси бўлган ёши улуғ бир аёл вилоят ҳокимига уй-жойини таъмирлаб бериш бўйича мурожаат қилди. Табиийки, вилоят ҳокими бундай боқимандаликка бефарқ қараб туролмади.

- Агарки, сиз тарбиялаб, вояга етказган фарзандларингиз бугун сизга ғамхўрлик қилолмаётган экан, бу ишни давлат ўз зиммасига олади, - деди Э.Турдимов. – Марҳамат, “Саховат” уйига жойлаштирамиз, ётиш-туриш, ейиш-ичишингизда ҳеч қандай муаммо бўлмайди. Намунали тиббий хизмат кўрсатилади.

Масалани шундай қолдирмаймиз, қонун бўйича вояга етган фарзанд кекса ота-онасига ғамхўрлик қилишга мажбур. Конституцияда белгиланган мазкур тамойил асосида судга даъво киритиб, болаларингиздан алимент ундириб берамиз.

Табиийки, онахон бундай фикрни кутмаган эди. Бу қабулга шундай «масала» билан келган бошқа кишиларга ҳам сабоқ бўлди.

**Ҳусниддин МАМАРАСУЛОВ.**

Пандемия сабаб Самарқанд туманида корхоналарнинг 98 таси фаолиятини вақтинча тўхтатди, 31 таси 25 фоиз, 8 таси 50 фоиз қувватда ишлади.

# КАРАНТИН ЮМШАТИЛДИ,

## корхоналар фаолияти тикланмоқда

Тумандаги “Темир жиҳоз сервис” масъулияти чекланган жамиятида 2019 йилда 17 миллиард сўмдан ортиқ қийматдаги 4323 тонна арматура ишлаб чиқарилган. Аммо бу йил корхона фаолият кўрсатмади, 150 киши ишсиз, даромадсиз қолди.

– 2004 йилда темир панжара ва эшик ишлаб чиқариш билан фаолият бошлагандик, – дейди корхона раҳбари Бахтиёр Одилов. – 2015 йилдан иккиламчи темир парчаларини қайта ишлаш ҳисобига арматура тайёрлашни йўлга қўйдик. Натижада 160 кишининг бандлиги таъминланганди. Фаолиятимизни янада ривожлантириш, энергия сарфини камайтириш мақсадида жорий йил бошида Туркиядан замонавий ускуналарни олиб келдик. Афсуски, пандемия сабаб ускуналарни ўрнатиб, ишга тушириш учун туркиялик мутахассислар кела олмади. Шунингдек, амалдаги тартиб бўйича биз темир парчаларни хориждан олишга мажбурмиз. Шу пайтгача Қозоғистон ва Қирғизистон республикаларидан олиб келинган бу хомашё карантин сабаб тўхтаб қолди ва таннархи ошиб кетди. Оқибатда ўтган йиллар давомида миллиардлаб сўмлик маҳсулот чиқарган корхона фаолияти тўхтаб қолди. Энг ачинарлиси, 160 нафар ишчидан бор-йўғи 10 нафарини ишлатиб турдик, холос. Айни пайтда давлатимиз раҳбари томонидан мамлакат парламентига иккиламчи қора металлни биржа савдоларига чиқариш бўйича таклиф берилган. Агар ушбу ташаббус амалга ошса, биз ҳам хориждан хомашё қидирмай, фаолиятимиз самарадорлиги янада ошади.

Бугунги кунда туман ҳокимлиги томонидан биринчи навбатда иқтисодий тармоқлар фаолиятини тиклаш орқали барқарор ривожланишни таъминлашга эътибор қаратилмоқда. Мамлакатда карантин тартибини босқичма-босқич юмшатилиши натижасида корхоналар фаолияти тикланмоқда.

– 2020 йил 1 апрель ҳолатида туманимизда 565 та саноат корхонаси фаолият кўрсатиб келаётган эди, – дейди Самарқанд тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Искандар Комилов. – Бу корхоналарда биринчи чоракда 205,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 103,1 фоизни ташкил этган эди. Аммо карантин даврида асосий саноат зонаси “қизил ҳудуд”га кирганлиги сабабли, ишлаб чиқариш ҳажмида пасайиш кузатилди. Бу даврда корхоналар томонидан 560 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 71,7 фоизни ташкил этди. Ишлаб чиқариш учун зарур бўлган бутловчи буюмлар ва хомашёнинг хориждан кириб келмаганлиги, ички ва ташқи бозордаги реализация ҳажмининг камайганлиги оқибатида корхоналарнинг тўла қувватда ишламаганлиги бунга сабаб бўлди. Карантин талабларининг босқичма-босқич юмшатилиши билан 91 та корхона ўз фаолиятини тиклади. Қолган корхоналарда ҳам ишлаб чиқариш қувватлари оширилмоқда. Учинчи чорак якуни билан 1 триллион 116 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда олдимизга қўйган режани 103,7 фоизга бажариш чоралари кўриляпти.

Тумандаги “Интер кристал савдо сервис” масъулияти чекланган жамияти ҳам икки ой фаолият кўрсатмади. Бугун эса корхона фаолиятини тиклаб, турли ўлчамдаги металл қувур ва профиллар ишлаб чиқармоқда. Иш юритувчи Комил Ҳамдамовнинг айтишича, ойлик ишлаб чиқариш қувватини 3,5-4 минг тоннага етказиб, карантин давридаги зарарни қоплаш ҳамда йил якунига қадар белгиланган прогноз кўрсаткичларига эришиш мумкин.



Бугунги кунда барча ҳудудларда аҳоли бандлигини таъминлаш энг долзарб вазифа бўлиб турган чоғда Самарқанд туманида ҳам бу борада саноат корхоналари фаолиятини ривожлантириш билан бирга, янги ишлаб чиқариш субъектлари ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2019 йил охирида фаолият бошлаган “Агро сой пласт” масъулияти чекланган жамиятида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилиб, ўзига хос тарзда қайта ишловдан сўнг музлатилган ҳолда Европа давлатларига экспорт қилинмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида корхона фаолияти кенгайтирилиб, 1 миллион долларлик маҳсулот экспорти амалга оширилди. Энг муҳими, 50 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

– Корхонамизга Польша ва Германияда ишлаб чиқарилган 5 миллион доллар қийматидаги қайта ишлаш ускуналари ва музлаткичлар ўрнатилган, – дейди корхона раҳбари Содиқ Эргашов. – Бир қабул жараёнида 6 минг тонна маҳсулот қайта ишланиб, музлатилади. Айни пайтда тасарруфимиздаги 135 гектар майдонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириб, қайта ишлаяпмиз. Мазкур жараёнда 150 киши мавсумий ишга жалб қилинади.

Туман ҳокимлигидан олинган маълумотларга кўра, 2020 йил август-декабрь ойларида жорий тушумлар, корхоналар фаолиятини тиклаш, қувватини ошириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги лойиҳаларни амалга ошириш ва хуфиёна иқтисодиётни қисқартиш ҳисобига бюджет даромадларини ошириш кўзда тутилган. Энг муҳими, бюджетга жалб қилинган қўшимча даромадлар ҳисобидан “Саховат ва кўмак” жамғармасига 3 миллиард 926 миллион сўм маблағ ажратиш кўзда тутилган.

**Ғ.ҲАСАНОВ,**
**А.ИСРОИЛОВ.**

4 октябрь куни халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида бўшаб қолган депутатлик ўринларига сайловлар бўлиб ўтди.

# Бўшаб қолган депутатлик ўрни учун сайловлар бўлиб ўтди

Хусусан, халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи 24-Митан, 35-Мирбозор ҳамда 50-Дўстлик сайлов округларидаги 50 та сайлов участкаларида сайловчилар ўзлари муносиб деб топган номзодларга овоз берди.

Шунингдек, 13 та сайлов округларидаги 26 та сайлов участкасида туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига овоз бериш жараёнлари бўлиб ўтди.

Овоз бериш жараёнларида 177 минг 890 сайловчиларнинг 124 минг 16 нафари, яъни 69,7 фоизи иштирок этди.

Овоз бериш натижаларига кўра, вилоят Кенгаши депутатлиги учун сайловларда ЎзЛиДеПдан 1 нафар, “Миллий тикланиш” демократик партиясидан 1 нафар ва Экологик партиядан 1 нафар номзод кўпчилик овозини олди.

Туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига сайлов бўйича эса ЎзЛиДеПдан 6 нафар, “Миллий тикланиш” демократик партиясидан 3 нафар, “Адолат” СДПдан 2 нафар, ХДП ва Экологик партиядан 1 нафардан номзод овоз бериш жараёнларида иштирок этган сайловчиларнинг 50 фоиздан кўпроқ овозини олган.

**Вилоят сайлов комиссияси.**

Вилоят сайлов комиссиясининг қарорига кўра 4 октябрь куни бўшаб қолган ўринларга ўтказилган сайлов натижалари билан қуйидагилар халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши депутати этиб рўйхатга олинди:

### 24-МИТАН САЙЛОВ ОКРУГИ (ИШТИХОН ТУМАНИ)

**Назаров Фарҳод Шарипович** (1975 йилда туғилган) – Республика маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими раҳбари. ЎзМТДП аъзоси.

### 35-МИРБОЗОР САЙЛОВ ОКРУГИ (НАРПАЙ ТУМАНИ)

**Жўраев Ёдгорбек Ҳасанович** (1978 йилда туғилган) – вилоят ҳудудий "Агропилла" масъулияти чекланган жамияти бошқаруви раиси. Экологик партия аъзоси.

### 50-ДЎСТЛИК САЙЛОВ ОКРУГИ (САМАРҚАНД ТУМАНИ)

**Каримов Зафар Нуруллаевич** (1973 йилда туғилган) – “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати вилоят ҳудудий бўлинмаси раҳбари – вилоят ҳокимининг маслаҳатчиси. ЎзЛиДеП аъзоси.

# Кенгашлар – мустақил вакиллик органи

## уларга фаолиятни янгича асосда ташкил қилиш имкони берилди

Президентимиз томонидан “Халқ депутатлари Кенгашлари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонун имзоланди.

Қонун жамият ҳаётида қандай аҳамиятга эга? Энди маҳаллий Кенгашлар фаолиятида нима ўзгаради? Вилоят Кенгашида режалар қандай?

Шу ва бошқа саволлар билан халқ депутатлари вилоят Кенгаши котибияти мудири Шерали Йўлдошевга мурожаат қилдик.



- Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган қонун мазмун-моҳиятига кўра, янги Ўзбекистонни қуриш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди, - дейди Ш.Йўлдошев. - Мазкур қонун билан 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги, 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги қонунларга ўзгартиришлар киритилди.

**- Тўғри, аммо қонуннинг аҳамияти нималарда кўринади?**

- Қонунчиликка кўра, маҳаллий Кенгашлар алоҳида орган. Бироқ унинг фаолиятини ташкил қилиш учун маҳаллий ҳокимлик кўмагига таянишларди. Табиийки, бу Кенгашнинг ижро органига бўйсунишига сабаб бўларди.

Бошқача айтганда, демократик жамият талабларидан келиб чиқиб, маҳаллий Кенгашларнинг муҳим қарорлар қабул қилиши, маҳаллий давлат органлари фаолиятини назорат қилиши учун уларни ташкилий, техникавий ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминловчи бўлинмаларга зарурат бор эди.

Қонунда айни шундай бўлинмани тузиш белгилаб қўйилди. Биргина шу янгиликнинг ўзи Кенгашнинг ўрни ва нуфузини, қисқаси зиммасидаги функция ва вазифаларни тўлақонли амалга оширишида муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

**- Шерали ака, шу ўринда ўқувчиларни бир савол қизиқтириши табиий. Қонун қабул қилингунга қадар вилоят Кенгашида котибият ташкил қилинганди. Айтинг-чи, котибият ташкил қилиниб, Кенгаш ишида, депутатлар фаолиятида қандайдир ўзгариш бўлдими?**

- Тўғри айтдингиз, қонун қабул қилинишидан один бу амалиёт вилоят, Самарқанд шаҳри ва Оқдарё туман Кенгашлари мисолида синовдан ўтказилди. Албатта, айни шу жараёнда қонун лойиҳасига тегишли тузатишлар, қўшимчалар киритилди.

*2-саҳифа* »»

## Ахборот хизматлари хабар беришича

**Иштихон тумани** Митан қўрғонида ташқи реклама, пешлавҳа, эълон ва бошқа ахборот матнларининг “Давлат тили ҳақида”ги қонун талабларига мослиги ўрганилиб, қоидага зид 30 дан ортиқ ҳолат аниқланди.

Кеча фойдаланишга топширилган **Жомбой** деҳқон бозорининг 250 савдо ўрнига мўлжалланган янги павильони ва 8 та гўшт дўкони 4,5 миллиард сўм маблағ эвазига бунёд этилди.

**Пайариқ тумани** Бунёдкор маҳалласида тадбиркор Р.Янгибоева ташаббуси билан давлат-хусусий шериклик асосидаги замонавий, барча шароитларга эга 100 ўринли “Жажжи қалдирғоч” номли нодавлат мактабгача таълим ташкилоти ўз фаолиятини бошлади.

**Самарқанд давлат тиббиёт институти** талабаларини фаол яратувчанлик ишларига, яхши ўқишига кўмаклашиш ва муносиб рағбатлантириш мақсадида **ректор стипендияси** жорий этилди.

Вилоятимизда бўлиб турган Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат гуруҳ Иштихон туманида теримчилар учун яратилган шарт-шароит, меҳнат жараёнлари билан танишди.

# Ҳорманг, иштихонлик теримчилар!



– Бир неча кундан буён вилоятда пахта йиғим-терими даврида теримчилар учун белгиланган меҳнат қонунчилиги талаблари асосида шарт-шароит яратиш юзасидан ўрганиш олиб боряпмиз, – дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси, ишчи гуруҳ раҳбари Ф.Боқиев. – Шу билан бирга ижро ҳокимияти органлари, фермерлар ва кластерлар раҳбарлари, аҳоли билан учрашиб, ушбу йўналишда тушунтириш-тарғибот ишларини амалга оширяпмиз. Вилоятнинг барча туманларида мавсумга пухта тайёргарлик кўрилган. Ишсиз, банд бўлмаган кишилардан иборат терим отрядлари тузилиб, улар ихтиёрий равишда, яъни ўз рўзғорларига даромад бўлиши учун пахта теримида қатнашмоқда. Бугун Иштихондаги "Домла Аброрий" фермер хўжалигида тушлик пайти туман ҳокимлиги, "Мароқанд сифат текстиль" кластер корхонаси томонидан теримчилари учун маданий дастур ташкил этилганига гувоҳ бўлдик.

Туманнинг илғор хўжаликларидан ҳисобланган "Домла Аброрий" далаларида айни пайтда Халқобод ва Чайжовул маҳаллаларининг 200 нафардан ортиқ теримчилари фермерга яқиндан ёрдамлашмоқда.

- Бу йил 43 гектар майдонда пахта етиштирганмиз, – дейди ёш фермер Мафтуна Бердиқулова. – Кўз тегмасин, ҳосил жуда яхши, 45 центнердан пахта олишни мўлжаллаб турибмиз. Биринчи теримдаёқ бу натижа кўзга ташланмоқда. Ҳар куни 200 нафардан кўпроқ теримчи келиб, ҳосилни йиғиштириб олишга ёрдам бермоқда. Биз ҳам улар учун даланинг ўзида тушлик ва бошқа шароитларни яратганмиз. Терим пуллари ҳар беш кунда беряпти. Кластер ва туман ҳокимлиги ҳам теримчиларни қўшимча рағбатлантираётгани терим суръатини оширмоқда.

Тушликка чиққан теримчиларга ҳокимлик ва кластер томонидан қимматбаҳо совғалар тарқатилди. Банк ходимлари эса ўтган кунлардаги терим пулларини тарқатишни бошлади.

– Пенсия ёшида бўлсам ҳам қизим ва келиним билан бирга далага чиқиб, пахта теряпман, – дейди Ҳиммат Санақулов. – Кунига 300 килограмга яқин пахта теряпмиз, бу 300 минг сўм пул дегани. Рўзғорга катта ёрдам-да. Фермеримиз тушлик қилиб беряпти, зарур бўлса бошқа томондан ҳам ёрдам қиляпти. Ёш бўлса-да аёл киши бўлгани учун хотин-қизларни яхши тушунади, ҳеч кимни норизо қилмай, ҳақ тўлаяпти.

Олий Мажлис Сенати аъзоси Ф.Тошев, Қонунчилик палатаси депутати М.Абдиева, Иштихон тумани ҳокими Ш.Негматов ва бошқалар теримчилар ҳамда хўжалик аъзолари билан дилдан суҳбатлашиб, уларга эзгу тилакларини билдирди.

**Ўз мухбиримиз.**

# Кенгашлар – мустақил вакиллик органи

## уларга фаолиятни янгича асосда ташкил қилиш имкони берилди

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

Энди, бевосита саволингизга келсак, котибият ташкил этилгач, аввало депутатлар фаоллиги бирмунча ошди. Негаки, вилоят Кенгашининг сессиялари намунали қилиб, онлайн тарзда ҳам ўтказила бошланди. Табиийки, бу биринчи навбатда депутатларимизни сергаклантирди.

Натижада ҳоким ўринбосарлари, прокуратура, адлия, ички ишлар, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимлари ва бошқа идоралар раҳбарларининг кенгашлар олдида ҳисоботи жонли мулоқотга айланди. Яъни, илгаригидек, "қўл кўтариб" тасдиқлаш амалиёти барҳам топяпти. Энг муҳими, ижро органи раҳбарлари ҳам Кенгаш олдида ҳисобдор эканликларини тўғри маънода ҳис қилиб, англаб етяпти.

**- Ҳозир сиз ўтган даврдаги фаолиятимиздан келиб чиқиб қонун лойиҳасига таклифлар киритилди, деяпсиз. Бундан англаш мумкинки, қонун билан Кенгаш котибиятлари бугунги шаклдагидан бошқачароқ бўлиши белгиланган.**

- Дарҳақиқат, шундай. Котибият келгусида бугунгидек, маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаштирилади. Фарқли томони шундаки, қонун кучга киргач, у герб ва ўз номи туширилган муҳрига ҳамда бланкаларига эга юридик шахс мақомига эга бўлади.

Котибиятнинг намунавий тузилмаси ва низоми Олий Мажлис Сенатининг Кенгаши томонидан тасдиқланади. Аниқ тузилмаси, низоми, штатлари, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш миқдори ва моддий-техника таъминоти ҳамда уларни сақлаш харажатларини тегишли халқ депутатлари Кенгаши тасдиқлайди.

Бундан ташқари, котибиятнинг мудири тегишли Кенгаш депутатлари орасидан унинг ваколати муддатига тайинланади. Қолган ходимларнинг меҳнатига оид муносабатлари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ваколатлари муддатига боғлиқ бўлмайди.

**- Бироз кескин туюлиши мумкин, бироқ ҳақли савол деб ўйлайман. Бугунги кунгача вилоят Кенгаши депутатлари ҳали бирор бир масалани тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда атрофлича ўрганиб чиқмади. Сабаблари нимада?**

- Аввало қайд этиш лозимки, котибият ташкил этилгандан буён Кенгашнинг ишчи органи – сессиялар илгаригидай ҳисобот учун, ҳўжакўрсинга ўтказилаётгани йўқ. Доимий комиссиялар ва депутатлик гуруҳлари билан олдиндан маслаҳатлашиб, сессиялар кун тартиби белгилаб олинмоқда. Яъни, энг муҳим масалалар халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сессиясига олиб чиқиляпти.

Умуман, котибият ташкил этилгандан сўнг вилоят Кенгашининг 2020 йил II ярим йиллигига мўлжалланган иш режаси тузиб олинди.

Ҳар душанба маслаҳат кенгаши, халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг доимий комиссия раислари ҳамда Олий Мажлис Сенатига кўмаклашувчи комиссиясига Самарқанд вилоятидан ёрдам берувчи ишчи гуруҳининг қўшма йиғилишларида доимий комиссиялар орқали депутатларимизнинг масалаларини, муаммо ва таклифларини эшитяпмиз. Бу ишчи гуруҳимизнинг қўшма йиғилишига партия гуруҳлари раҳбарларини ҳам таклиф қилиб, уларнинг фикрлари асосида масалаларни сессияларга олиб чиқяпмиз.

Депутатларнинг ҳам фаоли, ўз вазифасини тўғри тушунадиган, халқнинг дардини ўзининг дарди деб биладиганлари кўпчиликни ташкил қилади. Аммо ўзининг кундалик иши билан банд бўлиб, сайланган округидаги муаммолар, масалалар ва таклифлар билан қизиқмайдиган, бунга вақт ажратмайдиган депутатлар мана энди сезилиб қолмоқда.

Бу халқ вакилининг ҳокимлик ва ташкилот, корхона раҳбарлари олдига масала қўйишдаги масъулиятига ҳам боғлиқ, назаримда. Аммо котибият депутатларимиз билан ҳар куни боғланиб, улар амалга ошираётган ишларини мувофиқлаштириб бормоқда.

Дарвоқе, энди вилоят Кенгаши ҳамда унинг депутатлари фаолияти билан ижтимоий тармоқлар, хусусан, samdeputat.uz веб-саҳифамиз орқали ҳам танишиб бориш мумкин.

**- Газетамизда Кенгашнинг жорий йил 5 сентябрдаги қарори билан депутатларнинг учта саволга жавоблари берилмоқда. Бу чиқишларда аксарият депутатлар сўровига жавоб ололмаётгани ёки мутлақо қониқарсиз жавоб олаётгани ҳақида баён қилмоқда. Кенгашдаги доимий асосда ишловчи депутат, қолаверса, котибият мудири сифатида айтинг-чи, бу борада қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда.**

- Юқорида айтганимдай, энди депутатларнинг муаммоларини, улар фаолиятига тўсиқ бўлаётган масалаларни эшитадиган, ҳал этишга кўмаклашадиган тузилма - котибиятлар ташкил қилинди. Депутатлар билан тегишли бошқарма ва ташкилотлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлайдиган кўприк пайдо бўлди.

Кенгаш котибияти томонидан халқ депутатлари вилоят Кенгашлари депутатларининг ўтган даврда бошқарув органларига юборган 354 та сўровлари таҳлил қилиб чиқилди. Албатта, депутат сўровига бефарқ муносабатда бўлаётган мутасаддилар ҳам борлигига гувоҳ бўлдик. Биз уларга нисбатан ваколатимиз доирасида чора кўриш ҳаракатидамиз.

Бироқ бу масаланинг ечими эмас. Шу боис, биринчи навбатда депутатлик сўровлари кўриб чиқилиши, унда кўтарилган масалалар ҳал этилишини таъминлашга ҳаракат қиляпмиз. Вазифасига совуққон, котибият томонидан мурожаат қилингандан кейин ҳам лоқайд бўладиган раҳбарларнинг ҳисоботи сессияда эшитилади.

**- Мазмунли суҳбатингиз учун катта раҳмат!**

**Ё.МАРҚАЕВ суҳбатлашди.**

**БУ – ФАКТ!**

Вилоятимизда умумий майдони **63,1** гектар **15** та маданият ва истироҳат боғи фаолият юритмоқда. Ишчи-ходимлари сони **535** нафар, шундан **149** нафари аёллар.

## БИР КУНДА 9 МИНГ ТОННАДАН ОРТИҚ ПАХТА ТЕРИБ ОЛИНДИ

Шу кунларда вилоятимизда пахта йиғим-терими айни авж паллага кирди.

Пахтакорлар жорий йилда 75 минг 500 гектар майдонда ғўза парваришлаб, 215,5 минг тонналик "оқ олтин" хирмони яратишни мақсад қилишган.

Вилоят пахта терим мониторинг маркази маълумотига кўра, далаларимизда етиштирилган ҳосилни териб олиш учун ихтиёрий равишда 123 мингдан ортиқ теримчи томонидан бир кунда 9 минг 136 тонна пахта хомашёси териб олинди. Жорий йил 5 октябрь ҳолатига кўра, вилоят бўйича салкам 50 минг тонна пахта хирмони яратилди.

# Бепул уй йўқ, имтиёзлиси саноқли

Ёлғиз, рўзғор юки фақат ўз зиммасида қолган аёл, фарзандлари орасида ногирони бўлган бекалар албатта ҳимояга муҳтож бўлади.



Шунинг учун кейинги йилларда уларга ёрдам бериш бўйича аниқ механизмлар белгиланди. У ишлай бошлади ҳамки, турли фикрлар тарқалди. «Уй олиш учун эрдан ажрашиш керак экан-да», «Ёлғиз аёл бўлиш керакмиш», қабилидаги фикрлар бориб-бориб уни амалга татбиқ этишгача олиб келди. Мутасаддилар билан суҳбатлашганимда уй олиш учун рўйхатга кириш мақсадида турмуш ўртоғи билан ажрашган аёллар ҳам борлигини тасдиқлашди(!) Табиийки, бу ҳолатлар барчаси ўрганилади, оиланинг ижтимоий аҳволи тўлиқ таҳлил этилгач, хулосалар берилади. Аммо шундай бўлса-да, уй олиш умидида рўйхатга қўйилаётганлар кўпайиб бормоқда. Таъкидлаш лозимки, муҳтож оилалар уй олишдан аввал ишли бўлишларини таъминлаш ижтимоий кўмакнинг энг муҳим кўринишларидан бирига айланди.

– Уй олган баъзи бекалар уни сотиб, қолган пулини кредит тўлашга ё бошқа мақсадларига ишлатиб юборган ҳолатлар учрайди, - дейди Паст Дарғом тумани Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими раҳбари Марғуба Санақулова. - Тўғри, беш қўл баробар эмас. Аксар оилалар бу имкондан баҳраманд бўлиб яшаб келмоқда. Аммо биринчи навбатда муҳтож оиланинг қорни тўқ, усти бут бўлишида. Шунинг учун давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бу йил илк бор тан олинган ҳолат – камбағалликка қарши чоралар амалга оширила бошланди. Бу аввало, ҳар бир ҳудуднинг имкониятидан келиб чиққан ҳолда қийин аҳволга тушиб қолган аҳолини ишли қилиш, уларнинг даромад топиши учун имконият яратишдир. Хотин-қизларга кўрсатилаётган ижтимоий кўмак ҳам аввало шу масалаларга қаратилди.

Туманда ғалладан бўшаган ер майдонларига экин қилиб қўшимча даромад олишлари учун 2464 камбағал оилага 310 фермер хўжаликларидан 936,6 гектар ер ажратилди. Шу жумладан, 300 нафар ёшларга, 200 нафар хотин-қизларга, вақтинча фойдаланиш учун 2 гектаргача ер ажратиб берилди. Йил якунигача 500 гектар ер 750 нафар ёшлар ва хотин-қизларнинг ўзини ўзи банд қилишлари учун ажратиб берилади.

Булардан ташқари, 532 нафар хотин-қизларнинг рўйхати шакллантирилиб, уларни ўзлари истаган маълум бир касб-ҳунарга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш режалаштирилган. Кам таъминланган, оғир шароитда яшаётган, уй-жойи таъмирталаб 12 нафар хотин-қизга зарур қурилиш материаллари етказиб берилди. Камбағаллик рўйхатида бўлган, ишсиз 62 нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминлаш мақсадида замонавий тикув машиналари топширилди. Шунингдек, туманда 280 нафар оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар рўйхатлари шакллантирилган. Ҳозирда 26 нафар хотин-қизларнинг бандлиги таъминланди, 74 нафарига моддий ёрдам, 185 нафар ногиронлиги бўлган аёлларга реабилитация воситалари берилди.

Паст Дарғомнинг Турон маҳалласида истиқомат қилувчи Зумрад Бозорова турмуш ўртоғидан айрилганига бир неча йиллар бўлди. Ўшандан бери отасидан қолган, 3 сотихли ҳовлида истиқомат қилаётган онаси ва акалари оиласига қўшилиб, бир хонадонда 15 жон яшаб келмоқда.

- Уч фарзандим бор, акаларимнинг ҳам ўз оиласи бор, - дейди Зумрад. – Уларга оғирлигим тушмаслиги учун ишлашга ҳаракат қиламан. Турли идораларда фаррошлик қилдим. Кейинги пайтларда пахта теримида яхши пул тўлашяпти, ҳар йили теримга чиқиб, болаларимнинг кишки уст-боши, рўзғор учун маблағ жамғариб оляпман. Онам ўн йилдирки, автоҳалокат сабаб кўзлари кўрмай қолган. Шундан бери доимий ҳамроҳи радио. Турли янгиликларни радиодан эшитиб, бизларни ҳам кези келганда бохабар қилади. Бир куни "қизим, ҳар куни радиодан сенга ўхшаган аёллар учун уй беряпти, деган хабарлар айтиляпти. Мен телефонларини ёзиб олдим, юр ҳокимиятга бориб кўрайликчи", деб қўярда-қўймай мени олиб бордилар. Айтганча, онам кўзлари ожиз бўлиб қолса-да, кераклимаълумотларни ёзиб оладиган одатлари бор. Кейин бизга ўқитадилар. Хуллас, онамнинг гапига ишониб-ишонмай туман ҳокимлигига бордик. Аризамизни ўрганамиз, дейишди. Орадан бироз муддат ўтиб, ростдан ҳам биз яшаётган хонадонни ўрганишди. Муҳтож аёллар жуда кўп экан, навбатимиз келса албатта уйнинг бошланғич тўловини тўлаб берилиши айтилди. Қолган маблағни ўзим ишлаб тўлашим лозим экан. Болаларим ҳадемай улғаяди, бошқа иложим борми, албатта имконини қилиб тўлайман-да. Шукур, соғлигим яхши. Ҳозир ишлайман деган аёллар ишсиз қолмайди. Шу йил охирида уй битади, дейишяпти.

Дарвоқе, туманда оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган, уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож 17 нафар хотин-қизларга 2018-2020 йилларда бошланғич тўловларсиз уй-жой ажратилган.

**Гулруҳ МЎМИНОВА.**

Республика Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасини 1 фоизга пасайтириб, 14 фоиз даражасида белгилади. Мазкур ҳолат депозитлар бўйича фоиз ставкалар, банклараро пул бозори фоиз ставкаларига ўз таъсирини ўтказади. Пасайтиришдан кўзланган асосий мақсад кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг пасайиши ва унга талабнинг ошиши натижасида иқтисодий фаолликни қўллаб-қувватлашни таъминлаш ҳисобланади.

# ҚАЙТА МОЛИЯЛАШТИРИШ СТАВКАСИ ПАСАЙДИ, КРЕДИТ ФОИЗЛАРИ ТУШАДИМИ?

Қайта молиялаштириш ставкасининг пасайтирилиши бир нечта кредит турларига тўғридан-тўғри таъсир қилади. Энди 2020 йил 1 январга қадар таълим кредити олган шахсларнинг банк билан тузилган шартномасида фоизлар Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасида белгиланиши тўғрисида банд бўлса, кредит фоиз ставкасини 1 фоизга пасайтириш ҳақида тижорат банкига талаб қўйишга ҳақли.

«Ҳар бир оила - тадбиркор» дастури доирасида кредитлар Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасида, 2021 йил 1 январдан тижорат банклари томонидан бозор тамойиллари асосида мустақил равишда ўрнатиладиган ставкаларда ажратилади. Дастур доирасидаги кредитлар жорий йил 11 сентябрдан йиллик 14 фоиз ставкада ажратилади.

Бирламчи уй-жой бозорида сотиладиган квартираларни (шу жумладан, янги тартиб доирасидан ташқари қурилган ва бирламчи уй-жой бозорида сотиладиган квартираларни) сотиб олиш учун ипотека кредитлари бўйича фоиз ставкалари Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасига боғлиқ ўрнатилганда мутаносиб равишда камайиши, оширилган тақдирда эса ўзгаришсиз қолиши белгиланган. Шундан келиб чиқиб, бирламчи уй-жой бозорида сотиладиган квартираларни сотиб олиш учун ипотека кредитлари бўйича фоиз ставкалари мутаносиб равишда пасайтирилади.

**Ш.СУВОНҚУЛОВ,**
**Марказий банк вилоят бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари.**
**Ж.БАХРИЕВ,**
**кредит бошқармаси бошлиғи.**




# ҚОРАБОҒ ФОЖИАСИ

Баъзан киши миясига ғалати фикрлар келади. Айтайлик, немис халқини дунёнинг энг устун миллатига айлантириш ёки ҳокимиятни йўқсилларга олиб бериб, ҳаммани тенглаштириб, коммунизм қуриш…

1988 йилда собиқ СССРда қайта қуриш бошланиб, бироз эркинлик шабадаси эса бошлагач, қайсидир мустамлакачининг хаёлига Озарбайжон ССР таркибидаги кўпчилик арманилар истиқомат қиладиган Тоғли Қорабоғ автоном вилоятини республикадан ажратиб олиб, Арманистонга қўшиш ғояси туғилди ва бу борада ҳаракат бошланди. Ўрни келганда шуни ҳам айтиш керакки, бу заҳаролуд ғояни маҳаллий арманилар эмас, балки хорижда яшовчи миллатдошлари кўтариб чиқишди. Ҳозир уч миллионга яқин армани миллатига мансуб аҳоли Арманистонда истиқомат қилади. Шунингдек, 17 миллион ўзини армани деб биладиган кишилар Арманистондан ташқарида яшайди. АҚШ, Франция, Россияда миллион-миллион кишилик арман диаспоралари мавжуд ва улар ушбу мамлакатларда катта сиёсий-иқтисодий нуфузга эга. Масалан, Россия федерал телевизион каналларида хизмат қилаётган кўпчилик журналистлар арманлардир. Хориж учун хабарлар тайёрлайдиган "Раша Тудей" телевизион канали раҳбари Маргарита Симонян, қолаверса, Россия ташқи ишлар вазири Лавров (асл фамилияси Калантарян) армани миллатига мансуб. Бу ҳолат тарихий анъана бўлиб, Россия ва СССР тарихида муҳим роль ўйнаган Шаумян, Баграмян, Микоян сингари давлат арбоблари ва ҳарбий саркардалар ҳақида биз – кекса авлод вакиллари етарли маълумотларга эгамиз.

Хуллас, четдан туриб сувни лойқалатадиган нокасларнинг касри оқибатида бир-бири билан иноқ яшаб келаётган икки халқ орасида жиддий миллатлараро можаро келтириб чиқарилди. 1991-1994 йилларда ушбу зиддиятлар тўлақонли ҳарбий тўқнашувга айланди ва минтақадан озарбайжон ва бошқа миллат вакиллари сиқиб чиқарилди. Оқибатда, Озарбайжондан мустақил, фақат арманилар яшайдиган Тоғли Қорабоғ Республикаси тузилганлиги эълон қилинди. Гарчанд бу ясама давлатчани дунёда ҳеч ким тан олмаган бўлса-да, у ўзича ўз армияси, конституцияси, давлат рамзларига эга бўлган мамлакат сифатида Арманистон республикасига қўшилиб яшай бошлади.

Шубҳасиз, ўша пайтда ички муаммоларига ўралашиб қолган мустақил Озарбайжон давлати Россия кўмагидаги яхши қуролланиб олган айирмачи кучларга муносиб қаршилик кўрсатолмади ва республиканинг йигирма фоиз ери сепаратчилар томонидан эгаллаб олинди. Оқибатда Жанубий Кавказда яна битта нотинч оловли нуқта пайдо бўлди. Бу эса Москванинг узоқни кўзлаб юргизаётган сиёсатига батамом мос келарди.

Биринчидан, минтақада нотинч вазиятни вужудга келтириш, иккинчидан, икки қўшни халқни бир-бирига ўчакиштириб қўйиш, учинчидан, Европа ҳамжамияти сари интилаётган армани ва озарбайжон халқларини бу йўлдан тийиб қўйиш. Чунки Европа Иттифоқи низомига асосан, ички ва ташқи низолари бўлган давлатлар ҳамжамиятга қабул қилинмайди.

Ҳозирги вазиятда ушбу масала бўйича дунё икки қисмга бўлинди. Ярми Арманистонни ёқлаётган бўлса, ярми Озарбайжонни ҳимоя қилиб чиқмоқда. Ҳатто, бир пайтлар Қорабоғни эгаллашда рус армияси арманиларга катта ёрдам берганлиги ҳақида тап тортмай ёзган россиялик ҳақгўй публицист Александр Невзоров ва журналист Юлия Латинина ҳам, негадир, арманлар томонига ўтиб олишди. Мен уларни тушунаман, чунки улар учун диктатор Алиевдан кўра демократ Пашинян яқинроқ. Аммо Невзоровнинг ўзи демократия байроғи остида дунёда кўп қабиҳликлар амалга оширилаётгани ҳақида тинимсиз ёзаётганлиги ҳам бор гап.

Ушбу масалада фақат битта таянч нуқтаи назар юзасидан баҳо бериш мумкин. У ҳам бўлса, халқаро ҳуқуқ ва шартномалар асосидагина фикр юритиш жоиз.

1975 йилда Финляндиянинг Хельсинки шаҳрида чақирилган Европа ва Шимолий Америка давлатлари халқаро кенгашида Иккинчи жаҳон урушидан кейинги дунё мамлакатлари чегаралари бундан буён дахлсиз ҳамда қатъий дея эълон қилинган ва бунга 35 давлат бошлиқлари, жумладан собиқ СССР раҳбари Леонид Брежнев ҳам ўз имзосини қўйганди.

Афсуски, йиллар ўтиши билан ушбу халқаро ҳужжат оёқости қилинди. Собиқ СССРга ўзини қонуний ворис дея эълон қилган Россия Федерацияси Украинадан Қрим ярим ороли ва Донбасс ҳамда Луганск вилоятларини ажратиб олди. Жанубий Осетия ва Абхазия Грузиядан, Приднестровье эса Молдавиядан қуролли тўқнашувлар воситасида тортиб олинди.

Шу ўринда битта тарихий фактни эслатиб ўтаман. 1990 йилда Берлин девори қулаб, ГФР ва ГДР ихтиёрий (!) равишда бирлашганида, Буюк Британия премьер министри Маргарет Тетчер бунга қатъиян қарши чиққан эди. Ваҳоланки, у бундан севиниши керак эмасмиди?! Йўқ. У доно сиёсатчи сифатида беш қадам олдинда нима борлигини кўра билганди. Натижада Европада чегараларни қайта тафтиш қилиш бошланиб кетди. Югославия уруш олови ичида қолди, Чехословакия иккига бўлиниб кетди, Сербия, Косово, Хорватия, Босния, Герцоговина ва Черногорияда бегуноҳ инсонларнинг қони дарё бўлиб оқди. Бугунги кунда ҳам чегараларни қайта тафтиш қилиш иддаоси асосида Италия, Франция, Испания, Буюк Британия, Голландия сингари Европа мамлакатларининг ҳудудий яхлитлиги шубҳа остига олинмоқда.

Шу маънода, кейинги даврда қарор топган давлат чегараларини қайта кўриб чиқишга уриниш катта-кичик уруш-жанжалларни келтириб чиқармоқда. Биргина Украинада 2014 йилдан буён қарийб 15 минг одам қурбон бўлди.

Тоғли Қорабоғ можаросини ҳам шу асосда кўриб чиқадиган бўлсак, Озарбайжоннинг ҳудудий яхлитлигига дахл қилиниб, унинг бир қисми ноқонуний йўл билан ажратиб олиниши жуда катта хато бўлган. Халқаро ҳамжамият ва атрофдаги йирик давлатлар ушбу хатони тузатиши ва шу билан бирга қайси республикаларнинг ҳудудлари ноқонуний тарзда тортиб олинган бўлса, ўз эгаларига қайтарилиши керак.

Умуман, БМТ жорий давлат чегаралари ва ҳудудий яхлитликнинг дахлсиз эканлиги масаласини кун тартибига қўйиб, нуфузли халқаро кенгаш чақириши лозим.

**Худойберди КОМИЛОВ,**
**"Зарафшон" газетасининг**
**сиёсий шарҳловчиси.**

**REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта – сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбоп / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 66-233-91-56**

## Усмон САНАҚУЛОВ



Самарқанд давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедраси профессори, филология фанлари доктори Усмон Санақулов 80 ёшида вафот этди.

У.Санақулов 1940 йилда Бухоро вилояти Ғиждувон туманида туғилди. Ўрта мактабда таҳсил олгач, 1963 йилда Самарқанд давлат университетини имтиёзли диплом билан тамомлади.

Домла ҳаётининг асосий қисми олий таълим тизимидаги илмий-педагогик фаолият билан бевосита боғлиқ. Ўқиш, изланиш, илм сирларини синчиклаб ўрганиши туфайли У.Санақулов қисқа вақт давомида тилшунос олим даражасига етди. Моҳир педагог, зукко олим сифатида узоқ йиллар давомида Қарши давлат университети, ЎзФА Тил ва адабиёт институти, Самарқанд педагогика институти, СамДАҚИ, СамДЧТИ ҳамда Самарқанд давлат университетида ёш авлодга таълим-тарбия берди. Бу эзгу мақсад йўлида самарали фаолият юритиб, жамиятга етук мутахассислар етказиб беришда фаоллик кўрсатди.

У.Санақулов ўтган йиллар давомида бир қатор масъул лавозимларда ишлади. Жамоатчи ва ташаббускор раҳбар, етук олим сифатида нафақат вилоятимиз, республикамизда, шу билан бирга қўшни давлатларда ҳам танилди.

У "Ўзбек тили тарихи", "Ўзбек диалектологияси", "Туркий тилларнинг қиёсий тарихий грамматикаси" каби фанлар бўйича 30 дан ортиқ дарслик ва ўқув қўлланмалари, 20 дан ортиқ монография, 50 дан ортиқ ўқув-услубий қўлланма ва рисолалар ёзди.

Устоз 1973 йилда фан номзоди, 2007 йилда фан доктори илмий даражаси, 2010 йилда профессор илмий унвонига эга бўлди.

Усмон Санақуловнинг таълим тараққиёти йўлидаги хизматлари муносиб баҳоланган. "Меҳнат фахрийси" ва "Халқ таълими аълочиси" нишонлари билан тақдирланган, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фахрий ёрлиқларини олган.

Етук олим, камтарин инсон У.Санақуловнинг порлоқ хотираси қалбимизда абадий сақланади.

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ЖАМОАСИ.**

## "BEST REALTOR"

**масъулияти чекланган жамияти Самарқанд минтақавий филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган**

## ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

**Савдога «SAMARQAND DORI-DARMON» АЖ бошқарувининг 30.09.2020 йилдаги RB-10/447-сонли буюртманомасига асосан «SAMARQAND DORI-DARMON» АЖга қарашли қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда:**

**1)** Иштихон шаҳри Иштихон маҳалласи, Иштихон кўчаси ҳудудида жойлашган, умумий майдони 1419,8 кв.м., қурилиш тагидаги майдони 512,44 кв.м., фойдали майдони 1137,79 кв.м.ни ташкил этган **14-сонли марказий дорихона биноси** (ер майдонисиз), бошланғич баҳоси 3 500 000 000 сўм;

**2)** Ургут шаҳри Камардон маҳалласи, Навоий шоҳкўчаси, 1-"А" уйда жойлашган, умумий майдони 1963,56 кв.м., қурилиш тагидаги майдони 507,43 кв.м., фойдали майдони 1151,3 кв.м.ни ташкил этган икки қаватли, ертўлали, **7-сонли марказий дорихона биноси** (ер майдонисиз), бошланғич баҳоси 3 005 100 000 сўм.

Савдо **2020 йил 22 октябрь куни соат 11:00 да** савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда - Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Кўксарой майдони, 1-уйда бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун буюртмалар газетада эълон чоп этилган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 17:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Буюртмаларни қабул қилишнинг охирги муддати **2020 йил 21 октябрь куни соат 18:00**.

Юқоридаги кўрсатилган мулклар 2020 йилнинг 22 октябрь куни ўтказиладиган аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур мулклар юзасидан такрорий аукцион савдолари **2020 йил 6 ва 23 ноябрь** кунлари соат 11:00да Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Кўксарой майдони, 1-уйда бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртмаларни қабул қилиш савдо санасидан бир кун олдин 18:00 да (13:00 дан 14:00 гача тушлик) тўхтатилади. Аукцион савдоси натижалари савдо ўтказилган манзилда савдо ўтказилгандан сўнг эълон қилинади.

Ушбу мулклар ҳамда уларга тегишли ҳужжатлар билан сотувчи вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишингиз мумкин. **Мулк сотувчисининг манзили:** Паст Дарғом тумани Дўстлик массиви, Ертешар кўчаси, 1-уй.

**Савдода қатнашиш учун буюртма билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади:**

*- юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;*

*- жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;*

*- аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.*

Аукцион савдоси натижалари савдо ўтказилган манзилда савдо ўтказилгандан сўнг эълон қилинади. Савдо натижасига кўра савдо ғолибига 10 кун муддатда сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш ҳамда шартнома шартларига кўра тўловларни амалга ошириш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Best Realtor" МЧЖнинг АТБ "Капиталбанк" Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: Ҳ/р: 20208000500433601001, МФО: 00445, СТИР: 303179580.

**Савдо ташкилотчиси жойлашган ва савдода иштирок этиш учун буюртманомалар қабул қилинадиган манзил: Самарқанд шаҳри Кўксарой майдони, 1-уй.**
**Телефонлар: 93-331-70-80, 90-212-60-01.**
**Расмий сайтимиз: www.emulk.uz**
**электрон почта манзили: best.samarqand@inbox.uz**

*Хизматлар лицензияланган.*

**Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят судларида мавжуд бўш судьялик лавозимларига**

## НОМЗОДЛАР ЗАХИРАСИ ШАКЛЛАНТИРИЛМОҚДА

Судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захираси зарур билимга, етарли ҳаётий тажриба ва бенуқсон обрў-эътиборга эга юқори малакали юристлар орасидан, ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик ихтисослиги бўйича камида беш йиллик иш стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳисобидан шакллантирилиши белгиланган.

Ҳозирги кунда фуқаролик ишлари бўйича Жомбой туманлараро судининг раиси ва фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро судининг судьяси лавозимлари бўш (вакант) бўлиб турганлигини маълум қиламиз.

Шу муносабат билан мазкур бўш судьялик ўринларини тўлдириш ва судьялик лавозимига номзодлар захирасини шакллантириш мақсадида ички ишлар идораларида самарали фаолият юритиб келаётган ходимларга бу ҳақда маълум қилиб, уларга тегишли тартибда фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят судлари судьялари малака ҳайъатига ёки Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашига мурожаат этишлари мумкинлигини маълум қиламиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Кўксарой майдони, 3-уй. Мурожаат учун телефонлар: 66-231-03-58, 93-990-61-16.**

### ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд шаҳридаги «SAM KANS TREYD» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 307454324) ўз номини «HAYAT-PHARM SAVDO» масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирмоқда. «HAYAT-PHARM SAVDO» масъулияти чекланган жамияти «SAM KANS TREYD» масъулияти чекланган жамиятининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Қ.Юсупов кўчаси, 4-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2019 йил 30 июлда 747670 реестр рақами билан рўйхатга олинган «AKME RETAIL» масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: «AKME RETAIL» МЧЖ) жамият ягона таъсисчисининг 2020 йил 5 октябрдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

**Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Янгиариқ маҳалласи.**

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 306610881.

* * *

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2019 йил 11 ноябрда 778792 реестр рақами билан рўйхатга олинган «IKROM DOR STROY TEX» масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: «IKROM DOR STROY TEX» МЧЖ) жамият ягона таъсисчисининг 2020 йил 5 октябрдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

**Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Д.Зокирова кўчаси, 29-уй.**

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 306850164.

* * *

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2020 йил 12 сентябрда 891366 реестр рақами билан рўйхатга олинган «MUXAMADIYEV OLIM» оилавий корхонаси (қисқартирилган номи: «MUXAMADIYEV OLIM» ОК) корхона ягона таъсисчисининг 2020 йил 5 октябрдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

**Корхонанинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Садриддин Айний кўчаси, 80-уй.**

Корхонанинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 307723202.

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Кадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасида марҳум Шомуродов Икром Хамдамовичга (2020 йил 16 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Кадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Жомий кўчаси, 64-уй.**

* * *

Ургут туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Набиева Наргиза Қаҳрамоновна нотариал идорасида марҳум Рузимуродова Махкамга (2015 йил 31 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Набиева Наргиза Қаҳрамоновна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Ургут шаҳри Навоий шоҳкўчаси.**

* * *

### БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Самарқанд давлат чет тиллар институти академик лицейидан 2017 йилда Хазратов Абдуманнон Мусратилло ўғли номига берилган рўйхат рақами 1177, L № 306186 рақамли дипломнинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Тойлоқ тадбиркорлик ва сервис касб-ҳунар коллежидан 2017 йилда Хожимуродова Нилуфар Абдурахмон қизи номига берилган К № 4683280 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ургут агросаноат касб-ҳунар коллежидан 2018 йилда Хурсандов Шаҳзод Бозор ўғли номига берилган рўйхат рақами 0308, К № 5135134 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Сиёб қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежидан 2006 йилда Нигматов Алишер Жамшедович номига берилган К № 0667157 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Булунғур қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежидан 2016 йилда Ўрозалиев Исмоил Ўроқбой ўғли номига берилган рўйхат рақами 6538, К № 5553115 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Сирдарё вилояти Гулистон қурилиш техникумидан 2003 йилда Артикова Халима Хакбердиевна номига берилган диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Иштихон туманидаги 1-ихтисослаштирилган мактабдан 2019 йилда Хамзаев Саидакбар Акмалович номига берилган UM № 0139979 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд таянч тиббиёт коллежидан 2018 йилда Олимжонов Хумоюнбек Олимжонович номига берилган рўйхат рақами 546, К № 5102608 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Пахтачи педагогика коллежидан 2016 йилда Исроилова Дурдона Рустамовна номига берилган рўйхат рақами 82, К № 0270362 рақамли имтиёзли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Қўшработ туманидаги 72-умумий ўрта таълим мактабидан 2019 йилда Махмудова Маҳкамтош Қурош қизи номига берилган UM № 0146464 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд давлат университети ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий марказидан 2012 йилда Холбаев Наимжон Тошмирзаевич номига берилган рўйхат рақами 276, QT № 014583 рақамли қайта тайёрлаш курсидан ўтганлиги тўғрисидаги диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Облоқул Усмонқуловга турмуш ўртоғи **НОРСУЛУВ ая**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Самарқанд вилоят бошқармаси ва Самарқанд туман бўлими жамоалари бюронинг туман бўлими бошлиғи Фаёзжон Турсуновга отаси **Фазлитдин ТУРСУНОВ**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Самарқанд давлат университети ректорати, психология ва ижтимоий муносабатлар факультети, социология ва ижтимоий иш кафедраси жамоаси кафедра доценти Раҳимжон Юсуповга синглиси **Гулнора ЮСУПОВА**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Самарқанд шаҳридаги «Нурафшон» маданият саройида "Янги Ўзбекистоннинг янги овозлари" шиори остида ёш ижодкорларнинг концерт дастури намойиш этилди.

# Янги овозлар

## кимёгарликларга хушнудлик бағишлади



Унда Кимёгарлар шаҳарчасининг Нурли келажак, Маданият, Нурафшон, Даргом ва Чорбоғ маҳаллаларида истиқомат қилувчи аҳоли иштирок этди.

- Маданият саройидаги 15 та маданият ва санъатга ихтисослаштирилган тўгаракларга 200 нафар истеъдодли ёшлар жалб этилган, - дейди шаҳар маданият бўлими бошлиғи Рита Маҳмудова. - Жавоҳир Ходиев режиссёрлиги ҳамда Хуршид Исматзода бадиий раҳбарлигида ташкил этилган гала-концертида “Лезгинка-Нур” замонавий рақс, “Миллий рақс”, “Замон” халқ драма театри, “Вокал” тўгаракларининг аъзолари, шу билан бирга 6-сон болалар мусиқа ва санъат мактабининг доирачи, рақс, дуторчи қизлар ансамблари томонидан тайёрланган куй-қўшиқлар ижро этилди.

Концерт дастурида Фармон Тошев шеъри, Хуршид Исматзода мусиқаси билан “Кимёгарлар” таронаси янгради.

**Насиба ЖОНТЎРАЕВА,**
**Бахтиёр МУСТАНОВ олган суратлар.**

ИНСОН ЎЗИНГ...

# ЁШ ОЛИМЛАР

## эътибордан четда қолмасин!

Астрономияни ўрганиш ҳар бир даврнинг долзарб масалаларидан бири бўлган. Бу фанни ривожлантиришни маълум босқичларга бўлиш мумкин. Узоқ ўтмишда одамлар тунда осмонга қараганда юлдузларни кўрган ва уларнинг пайдо бўлиши, ҳаракати ҳақида қизиққан. Буни биринчи босқичнинг бошланиши дейишимиз мумкин. Бу босқичнинг юқори чўққиси, шубҳасиз, буюк мунажжим Мирзо Улуғбек даврига тўғри келади. Бу астрономиянинг оптик кузатишларсиз давридир.

XVI асрда италиялик физик олим Галилео Галилей оптик асбобларни яратди. Шундан сўнг 400 йил давомида астрономияда оптик кузатиш даври бўлди. Аввало, 3 сантиметрлик, кейинчалик 30 метргача бўлган телескоплар пайдо бўлди. Коинотда галлактикалар борлиги аниқланди. Иккинчи босқичнинг чўққиси эса XX асрнинг энг буюк кашфиёти - сунъий йўлдош сайёрага олиб чиқилган давр.

Атмосфера шаффоф бўлсагина кузатишлар ижобий натижа беради. Ўзбекистон ҳудуди коинотни кузатиш ва ўрганиш учун дунёдаги кам сонли қулай нуқталардан бири. Масалан, Бразилиядан доимо энг яхши футболчилар чиқиб турмаса, улар буни салбий ҳолат санайди. Чунки у ерда йил бўйи - 365 кун футбол ўйнайдиган об-ҳаво бўлади. Худди шундай, энг яхши астрономлар Ўзбекистондан чиқмаса, қаердадир хато қилаётган бўламиз.

Германияда техника музейи бор. Диққат билан томоша қилсангиз, уни икки кунда ҳам айланиб чиқолмайсиз. Бу ерда бўлган бола астрономиядан бошқа нарсага қизиқмай қўяди. Ўзбекистонда ҳам ана шундай астрономик парк ташкил этиш режалаштирилаяпти. Аслида, ўсиб келаётган ёш авлод учун астрономия, умуман, бошқа фанлардан ҳам шунчаки назарияни айтиб беришнинг ўзи етарли эмас. Улар барчасини ўз кўзи билан кўриши, кузатиши керак.

Кейинги йилларда мамлакатимизда Президентимиз томонидан фанни ривожлантиришга эътибор қаратилиб, ҳатто бу бўйича 2017 йил 14 сентябрда алоҳида қарор ҳам қабул қилинди. “Улуғбек мактаби” ташкил этилди.

Бугунги кунда юртимизда истеъдодли физик ва астрономлар етишиб чиқмоқда. 2019 йил Чехияда бўлиб ўтган ёш олимлар танловида Арман Турсунов биринчи ўринни эгаллади. У 28 ёшида физика-математика фанлари доктори бўлди. Яна бир ёш олим Аҳмаджон Абдужабборов 31 ёшида докторлик диссертациясини ёқлади. Аҳамиятлиси, уларни назардан четда қолдирмаслигимиз керак. Бугун илмий тадқиқот институтларида маошлар бир неча баробар ошган. Олимлар учун қулай имкониятлар яратиляпти.

Албатта, ҳар бир соҳани ривожлантириш учун моддий-техника базаси ҳам мустаҳкам бўлиши керак. Айниқса, бу астрономия учун жуда муҳим.

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларини яхши эслайман, дунёда чиқаётган илмий мақолалар рўйхати совет иттифоқи бўйича фақат Москвадаги бир журналда бериларди. Биз уни давлат кутубхонасига келсагина билардик. Бирор бир мақола билан танишиш учун журнал таҳририятига сўров юбориб, бизга нусха жўнатсагина ундаги янгилик билан танишиш имконимиз бўларди. Аммо бу пайтда мақола ўз долзарблигини йўқотар эди. Ҳозир эса соҳага оид ҳар кунлик янгиликлардан хабардор бўлиб бориш имкони мавжуд.

Германияда соҳа бўйича ўтказилган тадбирлардан бирида Ўзбекистон олимлари томонидан бир йилда чоп этилаётган илмий мақолалар сони 420 та экани айтилди. Бу жуда паст кўрсаткич. Мамлакатимизда 80 та олий таълим муассасаси мавжуд. Уларда илмий салоҳиятни оширишимиз керак. Буни бугун бошламасак, эртага кеч бўлади. Таълим муассасаларида халқаро тилларни самарали ўқитишни йўлга қўйиш лозим. Хорижий тилларда мулоқот қилишни, ёзишни билмаган олим четда қолиб кетаверади.

Айрим мамлакатларда ёшлар 10 та мақола ёзиб, магистрлик ишини ёқлаётган бўлса, бизда 2 та мақола чиқариб доктор бўляпти. Бу ҳам оғриқли нуқталаримиздан. Талаба бакалавриат босқичида инглиз тилини ўрганиб бўлиши керак. Бунинг учун таътилда тил ўрганиш курсларини ташкил этиш зарур.

Олий ўқув юртлари билан илмий тадқиқот институтлари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш керак. Таълим муассасаларимизнинг нуфузи юқори бўлса, четдан талабалар жалб этилади. Улар билан бирга юртимизга инвестиция кириб келади. Бир сўз билан айтганда, рақобатни кучайтиришимиз лозим. Зеро, рақобат бор жойда ривожланиш бўлади.

**Бобомурод АҲМЕДОВ,**
**Бутунжаҳон фанлар академияси аъзоси,**
**“Меҳнат шуҳрати” ордени соҳиби.**

Абдуваҳоб акани нафақат Самарқандда, балки республикамизда тажрибали савдо ходими, етук иқтисодчи, ташкилотчи раҳбар сифатида билишади. Енгил саноат соҳасидаги муаммоли, мунозарали масалаларда унинг фикрлари билан ҳисоблашишади.

# Самарқанднинг садоқатли фарзанди



Бу инсон билан ёнма-ён ишлаш, унинг иш услуби, тажрибасини ўрганиш жараёнида бунга кўп гувоҳ бўлганмиз, Абдуваҳоб ака камтарлик билан “Мен доим оддий одамлар орасида бўлишга, уларнинг фикрларини билишга ҳаракат қиламан, ўзимни маҳалла-кўйдан айри тасаввур қилолмайман”, дейди. Бу фикрлардан сўнг унинг ҳамма вақт раҳбарларнинг ҳам, қўл остидаги ишчи-ходимлар ва маҳалланинг ҳам ҳурмат-эътиборида эканлигининг моҳиятини англагандек бўламиз.

Абдуваҳоб ака фаолиятини матлубот жамияти сотувчилигидан бошлаган, ўзи айтганидек, оддий одамлар орасида ишлаган. Кейин 21 ёшида Самарқанд шаҳридаги йирик ишлаб чиқариш корхонаси ҳисобланган чинни заводида ишчи сифатида фаолиятини давом эттирган. Ана шу ерда у меҳнатда ҳам, раҳбарликда ҳам тобланган. Дунёга машҳур корхонада 29 йил ишлаб энг кичик вазифадан директор ўринбосарлигигача бўлган йўлни босиб ўтди. Ўзининг билими, меҳнатсеварлиги, янгиликка интилувчан ва ташаббускорлиги билан эътибор қозонди.

Ўтган асрнинг 90-йиллари охирида юртимиздаги бошқа саноат корхоналари қатори Самарқанддаги йирик завод, фабрикалар ҳам оғир аҳволга тушиб қолди. Иқтисодий инқироз, гоҳ хомашё етишмовчилиги, гоҳ тайёр маҳсулотга харидор топилмаслиги корхоналарнинг асосий муаммосига айланди. Тағин ишлаб чиқариш технологиялари эскириб, уларни янгилашга эҳтиёж ортиб борди.

Ўз маҳсулотлари билан собиқ иттифоқ республикаларида машҳур бўлган Самарқанд чой қадоқлаш фабрикаси ҳам шундай муаммолар гирдобида қолган эди. Ана шу вазиятда, 2000 йилда Абдуваҳоб Раҳимовнинг тажрибаси, ташкилотчилигига ишониб, ушбу корхона раҳбарлигига тайинлашди.

Иқтисодий инқироз ёқасига келиб қолган, ишлаб чиқариш кескин камайиб, ишчилар маоши ва иш ўринлари қисқариб бораётган корхона ишини юритиш қанчалик оғир бўлганлигини, қийин вазиятдан чиқиш учун Абдуваҳоб ака тун-у кун ишлаганини кўрганмиз. Аввало, фабрикага хомашё етказадиган хорижлик ҳамкорлар билан алоқаларни мустаҳкамлашга ҳаракат қилди. Бўш қолган цехларда вазиятдан келиб чиқиб, туз, шакар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини қадоқлашни йўлга қўйди. Шу тарзда секин-аста корхона фаолияти изга туша бошлади, чет эллик шерикларда ҳам ишонч пайдо бўлди.

2005 йилда республика ҳукумати қарори билан чет эллик инвесторлар томонидан киритилган улушга мувофиқ Самарқанд чой қадоқлаш фабрикаси хорижий корхонага айлантирилди ва Абдуваҳоб ака ижрочи директор этиб тайинланди.

Шундан сўнг фабрика фаолиятида янги давр бошланди. Барча цех ва бўлимлар қайта таъмирланиб, замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Қадоқлаш сифати яхшиланди, янгича дизайн асосида қадоқланган ўрамалардаги чой маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Маҳсулот тури 8-10 мартага кўпайди. Натижада Самарқанд чойи яна бозорда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди. Бугун республикамизнинг деярли барча ҳудудларида корхона ўз савдо нуқталарига эга.

Айни пайтда “Самарқанд чой қадоқлаш фабрикаси” хорижий корхонаси республикамиздаги иқтисодий барқарор ишлаб чиқариш субъектларидан бири ҳисобланади. Бунда, шубҳасиз корхонани бугунги кун талаблари асосида, бозордаги талаб ва таклифни пухта ўрганган ҳолда бошқариб келаётган Абдуваҳоб Раҳимовнинг хизматлари катта. Шунинг учун ҳам у киши 2017 йилда давлатимизнинг юксак мукофоти “Дўстлик” ордени билан тақдирланганди.

Тажрибали ва камтарин раҳбар, ишчи-ходимларга отадек ғамхўр инсон Абдуваҳоб ака бугун 70 ёшни қарши олди. Устозимизни «Самарқанд чой қадоқлаш фабрикаси» ва «Асл нафис» корхоналари ишчи-ходимлари, фахрийлар ва дўсту шогирдлари номидан қутлуғ ёш билан табриклаб, жамоамиз ва ибратли оиласи бахтига ҳамиша соғ ва омон бўлишини, фарзанду набираларига бош бўлиб, уларнинг бахту роҳатини кўриб юришини тилаймиз.

**Ботир МАҲМУДОВ,**
**Азиз ҲОЖИЕВ.**

# “ОҚМАЧИТ БОБО”

## зиёратгоҳи обод этилса...



Юртимиз муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларга бой. Бу заминда мангу ором топган авлиёлар ҳақидаги афсона-ю эртакнамо воқеалар минг йиллардан буён авлодлардан авлодларга ўтиб келмоқда.

Ургут тумани Оқмачит маҳалласида “Оқмачит бобо” зиёратгоҳи бор. Бу масканга келганлар у жойнинг ўзгача мусаффо ҳавоси, йил бўйи кўз очиб турадиган шифобахш булоғини эътироф этади.

Зиёратгоҳда қайта тикланганига тахминан 200 йил бўлган қадимий масжид мавжуд. Ота-боболаримизнинг айтишларича, қишлоғимизда яшаган Убайдулло исмли киши муқаддас ҳаж амалини адо этиб қайтгач айтадики, Маккаи Мукаррамада бўлган чоғида бир нечта авлиёсифат инсонлар у кишидан қаердан келганликларини сўраган. Убайдулло бобо “фалон юртнинг фалон қишлоғиданман”, деб жавоб берганларида улар: “Сиз Ислом саркардаси, авлиё зот Абу Муслим шаҳид кетган жойдан экансиз. Ўша жойда у зот қурдирган масжид бўлган, сизлар уни қайта тикланг. Шунда Ҳаж зиёратларингиз, ниятларингиз Аллоҳ даргоҳида қабул бўлар, иншаллоҳ”, дейишган экан.

Хуросон ва Мовароуннаҳр тарихида юксак шуҳрат топган, кўплаб қисса, достон ва ривоятлардан ўрин олган Абу Муслим ким эди?

Абу Муслим шахсияти ҳақида «Тарихи Табарий», «Тарихи Наршахий» каби манбаларда қимматли маълумотлар берилган. Мирхонднинг «Равзат-ус-сафо» асарида ёзилишича, Абу Муслимнинг насаби қадимги Эрон баҳодирларидан Гударзга нисбат берилади. Абу Муслимнинг Або Муслим, Абу Муслим Хуросоний, Абу Муслим Марвазий каби лақаблари бўлган. Тахминан 727 йилда Эроннинг Исфаҳон вилоятида туғилган.

Ўша даврда Хуросон ва Мовароуннаҳрда Бани Уммавия халифалари ҳукмронлиги пайтида зулм ва бедодлик ҳаддан ошиб кетади. Халифалик тахтига даъвогар аббосийлар ўз мақсадларига Хуросон ҳамда Мовароуннаҳрдаги норозиликлар орқали эришишни кўзлар эди.

Шу боис, Аббосийлар халифаси Иброҳим ибн Муҳаммад 747 йилда Абу Муслимни Хуросонга ўзининг вакили сифатида жўнатади. Шу йилнинг май ойида у Марв воҳасига етиб келиб, қисқа муддат ичида атрофига бир неча минг тарафдорларни тўплайди. Уммавийлардан жабр-ситам, азият чеккан маҳаллий халқни ислом динига чақиради.

748 йил бошида Хуросондаги умавийларнинг ноиби Наср ибн Сайёр қўшини устидан ғалаба қилиб, Марвни эгаллайди. Самарқандгача келиб, унинг истеҳкомларини янгилайди. У нафақат шиддатли жангу жадаллари, балки кўпгина қурилиш-бунёдкорлик, хусусан масжиду мадрасалар барпо этиш ишлари билан ҳам ном қозонган.

Юқорида биз тилга олган Убайдулло ҳожи бобо бош бўлиб тикланган, Абу Муслимга нисбат бериладиган “Оқмачит бобо” масжиди ҳали ҳам мавжуд. Минг афсуски, бугун у ачинарли аҳволда – таъмирга муҳтож.

2018 йилда туман ҳокимининг қарори билан “Оқмачит бобо” зиёратгоҳи ва у ердаги бинолар Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш бош бошқармаси Самарқанд ва Жиззах вилоятлари бўйича минтақалараро давлат инспекцияси мулки, деб тан олинди. 2019 йилда инспекция томонидан “Оқмачит бобо” зиёратгоҳига жамоатчи инспекторлар тайинланди. Муаммо шундаки, зиёратгоҳ ҳудуди ва ундаги масжидни таъмирлаш ишлари ортга сурилиб келяпти. Зиёратгоҳда ободончилик ишлари бошланса, маҳалламизда бу хайрли юмушга бош қўшувчи, баҳоли қудрат моддий кўмак берувчи қўли очиқ тадбиркору саховатпеша кишилар бисёр. Аммо маҳаллий ҳокимият томонидан моддий кўмак ва амалий ёрдам, туртки берилса, нур устига аъло нур бўларди. Чунки зиёратгоҳни обод этиш масаласида кўп идораларга бош уриб боришимиз бесамар кетмоқда.

Бундай муқаддас масканлар маънавий ҳаётимиз кўзгуси. Уларни обод этиш, зиёратчилар учун қулай шароит яратиш барчамизнинг вазифамиз.

**Маҳмараби ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**“Оқмачит бобо” зиёратгоҳи жамоатчи инспектори.**

Zarafshon
Самаркандский вестник

© МУАССИСЛАР: халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр 100. Индекс 438.
10 655 нусхада чоп этилди. Буюртма 577

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.



Ҳажми 2 босма табоқ, бичими А-2

ҚАБУЛХОНА: 233-91-51. ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53.
БЎЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61.
РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56.

МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи.

Газета “Зарафшон” таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди.
"Ношир люкс" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
**Корхона манзили:** Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй.
Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир: Ё.МАРҚАЕВ.
Навбатчи: Н.ЖОНТЎРАЕВА.
Саҳифаловчи: О.НАЗИРОВ.

Сотувда нархи келишилган ҳолда

ISSN-201667X